



2024-yil 21-fevral

02-01/471-son

“Gross Sug’urta Kompaniyasi”
АЖ бошқарув раиси
О.Назаровга

Хурматли О.Назаров!

Сизнинг Ўзбекистон мусулмонлар идорасига 2024 йил 15 январ куни йўллаган 01/68-сонли хатингиз Фатво маркази мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди. Муружаатингиз бўйича хулоса илова қилинмоқда.

Илова: 1 бет

Аллоҳ таоло барчамизга икки дунё саодатини насиб қилсин!

Сизга ҳурмат билан,

Раиснинг биринчи ўринбосари



Ҳ.ИШМАТБЕКОВ

Ижрочи М.Ибрагимов

Тел: (78) 150-33-44



(+99871) 240-08-41

(+99871) 240-18-58

www.muslim.uz

umi-devon@umail.uz

moslim@mail.ru

t.me/muslimuzportal

youtube.com/c/Muslimuzz

fb.com/muslimuzportal

instagram.com/muslimuzportali



Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2024 йил
21 февралдаги 02-01/471-сонли хатига илова

**“Gross Sug’urta Kompaniyasi” АЖ томонидан тақдим этилган суғурта
қилиш намунавий шартномалари бўйича**

ХУЛОСА

“Gross Sug’urta Kompaniyasi” АЖ томонидан 2024 йил 15 январ куни
йўллаган 01/68-сонли мурожаатда;

Лизингга бериладиган мол-мулкни такофул суғурта қилиш,

Лизингга бериладиган транспорт воситасини такофул суғурта қилиш,

Гаровга қўйилаётган транспорт воситасини такофул суғурта қилиш,

Гаровга қўйилаётган мол-мулкни такофул суғурталаш намунавий
шартномаларини ўрганиб, бу шартномалар Ислом молиявий хизматлар бўйича
белгиланган талабларга мувофиқлиги борасида хулоса бериш сўралган.

Мазкур шартнома намуналари Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво
маркази масъул ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди.

Мазкур “Шартнома намуналар”га мувофиқ фаолият юритишнинг Ислом
молиявий хизматлар бўйича белгиланган талабларга мувофиқлигини маълум
қиламиз.

Бизнинг ушбу хулосамиз “Gross Sug’urta Kompaniyasi” АЖ томонидан
2024 йил 15 январ куни йўллаган 01/68-сонли мурожаати орқали юборган
шартнома намуналари учун берилган жавоб бўлиб, компаниянинг барча
фаолияти шариатга мувофиқ эканини билдирувчи “Сертификат” эмас.

